

МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА СИНФ РАЎБАРЛАРИНИНГ ЎРНИ: ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ

Комилова Зироатхон Муроджон қизи

243-сон умумий ўрта таълим мактаби директори, (PhD), доцент

Аннотация. Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг лойиҳа ишларини ташкил этишида синф раҳбарларининг ўрни ва роли илмий таҳлил қилинади. Мақола 2025 йил Финляндия мактабларига ташириф тажрибаси, халқаро таълим тадқиқотлари ва Ўзбекистон умумтаълим мактабларидаги амалий кузатувлар асосида ёзилган. Финляндия таълим тизимининг лойиҳага асосланган ўрганиш (Project-Based Learning — PBL) соҳасидаги тажрибаси, синф раҳбарининг лойиҳа жараёнида фасилитатор, координатор ва ментор сифатидаги роли чуқур таҳлил қилинади. Мақолада синф раҳбарлари лойиҳа ишини ташкил этишидаги амалий қадамлар, Финляндиядан ўзлаштирилган усуллар ва Ўзбекистон мактаблари учун амалий тавсиялар баён этилади.

Калит сўзлар: лойиҳага асосланган ўрганиш, синф раҳбари, фасилитатор, Финляндия таълим тизими, ҳамкорлик, мактаб бошқаруви, тажриба алмашиш.

Аннотация. В данной статье научно анализируются место и роль классных руководителей в организации проектной деятельности учащихся в общеобразовательных школах. Статья подготовлена на основе опыта посещения финских школ в 2025 году, международных исследований в сфере образования, а также практических наблюдений в общеобразовательных школах Узбекистана. Глубоко анализируется опыт финской системы образования в области проектно-ориентированного обучения (Project-Based Learning — PBL), а также роль классного руководителя в качестве фасилитатора, координатора и ментора на различных этапах проектной деятельности. В статье рассматриваются практические этапы организации проектной работы классными руководителями, методы, заимствованные из финского опыта, а также практические рекомендации для общеобразовательных школ Узбекистана.

Ключевые слова: проектно-ориентированное обучение, классный руководитель, фасилитатор, финская система образования, инклюзивная среда, сотрудничество, управление школой, обмен опытом.

Abstract. This article scientifically analyses the role of class teachers in organising students' project-based work in general secondary schools. The article is written on the basis of the experience of a visit to Finnish schools in 2025, international educational research and practical observations in Uzbek general education schools. The Finnish education system's experience in Project-Based Learning (PBL), the role of the class teacher as facilitator, coordinator and mentor in the project process are deeply analysed. The article presents practical steps for class teachers in organising project work, methods adopted from Finland and practical recommendations for Uzbek schools.

Keywords: project-based learning, class teacher, facilitator, Finnish education system, inclusive environment, collaboration, school management, experience sharing.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактабларини ислоҳ қилиш жараёнида [1] ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, ижодий ёндашув ва ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш марказий вазифага айланмоқда. Ушбу мақсадларни амалга оширишда лойиҳага асосланган ўрганиш (Project-Based Learning — PBL) методологияси педагогика фанида ва мактаб амалиётида тобора кенг қўлланилмоқда.

Жаҳоннинг пешқадам таълим тизимлари — хусусан Финляндия, Сингапур ва Эстония — лойиҳа ишини мактаб ҳаётига чуқур интеграция қилган [2]. Ушбу давлатларда PISA халқаро баҳолаш натижалари юқорилигининг асосий сирларидан бири — ўқувчиларни реал ҳаётга муаммоларни биргаликда ечишга йўналтирилиши, синф раҳбари билан ҳамкорликдаги лойиҳа ишлари [3].

2025 йил сентябрида FIESDU (Developing a Finland-Inspired Education System in Uzbekistan) лойиҳаси доирасида [4] Финляндия умумтаълим мактабларига уюштирилган ташриф чоғида олинган шахсий тажрибалар ва кузатишлар ушбу мақоланинг амалий асосини ташкил этди. Хельсинки мактабларида синф раҳбарларининг лойиҳа жараёнини қандай ташкил этиши,

ўқувчиларни жалб этиши ва натижаларни баҳолаши бевосита кузатиб ўрганилди.

Мақоланинг мақсади — Финляндия тажрибасига таяниб, Ўзбекистон умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари лойиҳа ишини ташкил этишда амалга ошириши мумкин бўлган аниқ модель ва усулларни илмий асосда таклиф этишдан иборат.

I. Лойиҳага асосланган ўрганиш: назарий асослар

Лойиҳага асосланган ўрганиш (PBL) методологиясининг назарий асослари Ж.Дьюи [5] прагматик педагогикасига, Л.С.Выготский [6] яқин ривожланиш зонаси концепциясига ва Д.Килпатрик [7] «лойиҳа методи» асарларига бориб тақалади. Замонавий таълим тадқиқотларида PBL — «ўқувчилар реал ёки тақлид қилинган мураккаб муаммони дастлабки саволдан бошлаб охирги маҳсулотгача мустақил ва биргаликда ечадиган ўқув жараёни» сифатида таърифланади [8].

Buck Institute for Education (BEI) [9] томонидан ишлаб чиқилган «Олтин стандарт PBL» (Gold Standard PBL) модели замонавий тадқиқотларда кенг эътироф этилган. Ушбу модель етти асосий элементни ўз ичига олади: (1) мушкул муаммо ёки савол; (2) узлуксиз тергов; (3) аутентиклик; (4) ўқувчи овозлари ва танловлари; (5) рефлексия; (6) тенгдошлар танқиди ва тўзатиш; (7) оммавий маҳсулот. Ушбу модель синф раҳбарининг ролини асосан (4), (5) ва (6) элементлар бўйича белгилайди.

J.Hattie [10] мета-таҳлилида (800 дан ортиқ тадқиқот) ўқитувчи педагогик раҳнамолигининг ўқувчилар натижаларига таъсир кучи $effect\ size=0,84$ эканлиги — «юқори таъсир» даражасида — кўрсатилди. Бу кўрсаткич лойиҳа ишида синф раҳбарининг фасилитатор сифатидаги ролини бажариши натижасида янада ошади.

Финляндия таълим тизимида лойиҳага асосланган ўрганиш P.Sahlberg [11] «Финляндия дарслари» асарида ёритилганидек, «феномен-асосли ўрганиш» (Phenomenon-based Learning — PhBL) сифатида миллий мактаб ўқув режасига 2016 йилда расмий тарзда киритилди. Ушбу ёндашув ўқувчиларнинг реал дунё ҳодисаларидан бошлаб, фанлараро тадқиқот ўтказиши ва ҳамкорликда натижа яратишини назарда тутди.

II. Финляндия мактабларидаги тажриба: ташриф кузатишлари

2025 йилги Финляндия мактабларига ташриф чоғида Хельсинки умумтаълим мактабида лойиҳа ишлари кузатилди. Кузатишлар бевосита синф хоналарида, ресурс хоналарида ва синф раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар асосида амалга оширилди. Ушбу тажрибалар асосида тўрт асосий хулоса шакллантирилди.

Биринчи кузатиш: Синф раҳбари — «кўринмас дирижёр». Финляндия мактабида кузатилган лойиҳа машғулотларида синф раҳбари дарс бошқарувчиси эмас, балки фасилитатор вазифасини бажарарди. У синф бурчагида ўтириб, ўқувчилар ўзлари гуруҳ ишини бошқариш жараёнини кузатиб борарди; фақат ўқувчилар тўхтаб қолган пайтда мулоқотга киришарди. Бу «ўрганишни ўрганиш» (Learning to Learn)

Иккинчи кузатиш: Кроссфункционал лойиҳалар ва фанлараро ҳамкорлик. Хельсинкидаги бир мактабда 7-синф ўқувчилари «Шаҳар ва муҳит» мавзусида феноменологик лойиҳа олиб борарди. Синф раҳбари биология, математика ва ижтимоий фан ўқитувчилари билан бир ҳафтада икки маротаба «педагогик кенгаш» ўтказарди. Бундай ҳамкорлик K.Robinson

Учинчи кузатиш: Рефлексия — лойиҳанинг мажбурий қисми. Финляндия синф раҳбарлари лойиҳа жараёнини ҳар куни 10 дақиқалик «рефлексия доираси» билан якунлашарди. Ўқувчилар «Нима ўргандим?», «Нима қийин кечди?», «Эртага нима қиламан?» деган учта саволга жавоб ёзарди. Бу амалиёт J.Dewey

Тўртинчи кузатиш: Ота-оналарни лойиҳа жараёнига жалб этиш. J.Epstein [14] мактаб-оила-жамоатчилик шерикчилиги моделида ота-оналар иштирокини олти даражада таснифлайди. Финляндия мактабларида синф раҳбарлари ота-оналарни лойиҳанинг «эксперт-тақдимотчи», «ресурс таъминловчи» ва «жамоатчилик ҳакам»и сифатида жалб этарди. Масалан, «Касблар дунёси» лойиҳасида ота-оналар 45 дақиқалик суҳбат ўтказиши учун мактабга таклиф этилди ва ушбу учрашув лойиҳанинг ажралмас қисмига айланди.

III. Синф раҳбарининг лойиҳа ишидаги то'рт асосий роли

Ташриф кузатишлари ва халқаро тадқиқотлар [15] [16] асосида мактабда ўқувчилар лойиҳа ишини ташкил этишда синф раҳбарининг тўрт асосий роли аниқланди.

1-роль: Мотиватор ва лойиха «уруғини» экувчи. Лойиха ишида муваффақиятнинг 80 фоизи бошланиш босқичида белгиланади. Синф раҳбари ўқувчиларда лойихага нисбатан ички мотивация уйғотиши, уларда «ушбу лойиха менга нима беради?» деган саволга ижобий жавоб шаклланишига эришиши шарт. Финляндиялик синф раҳбар М.Korhonen лойиха олдида «Яхши, ёмон, қизиқарли» (PMI — Plus, Minus, Interesting)

2-роль: Гуруҳ динамикасини бошқарувчи. Лойиха ишида гуруҳ ичида зиддиятлар, пассив иштирокчилар ёки доминантлик муаммолари юзага келиши муқаррар. Т.West ва D.Johnson

3-роль: Фанлараро координатор. Финляндиядаги «феномен-асосли ўрганиш» тажрибаси кўрсатадики, лойиха ишлари бир фан доирасида эмас, балки бир нечта фан ўқитувчиларининг ҳамкорлигида амалга оширилганида самарали бўлади

4-роль: Ота-оналар ва жамоатчилик шерикчилигини таъминловчи. [14] Epstein моделига кўра, ота-оналарнинг таълим жараёнига жалб этилиши болалар академик натижаларига 50 фоизга ижобий таъсир кўрсатади. Синф раҳбари лойиха якунида «**Очиқ тақдимот куни**» ташкил этиб, ота-оналарни ва жамоатчиликни таклиф этиши натижасида ўқувчиларда масъулиятлилик, аудитория олдида тақдимот малакаси ва маҳсулотни мукаммаллаштиришга иштиёқ ошади.

IV. Лойиха ишини ташкил этишнинг амалий модели (6 босқич)

Финляндия тажрибаси ва халқаро тадқиқотлар асосида Ўзбекистон умумтаълим мактаблари учун синф раҳбарлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган 6 босқичли амалий модель ишлаб чиқилди.

1-босқич. Муаммо ва мавзу танлаш (1–2 кун). Синф раҳбари синфда «Брейнсторминг» сессияси ташкил этади: «Мактабимиз, маҳалламиз ёки жамиятимизда қайси муаммони ечгимиз келади?» деган «драйвинг савол» (driving question)

2-босқич. Тергов ва тадқиқот (1–2 ҳафта). Ўқувчилар гуруҳ (3–5 нафар) тарзида маълумот тўплайди: адабиётлар, мутахассислар билан суҳбатлар, кузатувлар. Синф раҳбари ҳар куни 10 дақиқалик «гуруҳ ҳисоботи» вақтини ажратади: ҳар гуруҳ 2 дақиқада нимага эришди ва нима қийин эканини айтади. Бу одат PLC (Professional Learning Community)

3-босқич. Лойиҳани режалаштириш ва роллар тақсимоли (1–2 кун).

Синф раҳбари ҳар гуруҳ билан алоҳида суҳбат ўтказиб, Scrum-kanban

4-босқич. Яратиш ва биргаликда ишлаш (2–3 ҳафта). Энг узоқ ва мазмунли босқич. Синф раҳбари кузатув варақаси орқали ҳар гуруҳни мониторинг қилади: гуруҳ ичидаги иштирок тенглиги, зиддиятлар ва иш сурати. Finn.Beck

5-босқич. Тақдимот ва оммавий баҳолаш. Финляндия мактабларида лойиҳа якунида «тақдимот маросими» ўтказилади: ота-оналар, мактаб маъмурияти ва жамоатчилик иштирокида. Ўқувчилар ўз маҳсулотини тақдим этади. Рубрик асосида

6-босқич. Рефлексия ва ривожланиш (1–2 кун). Лойиҳа якунида ўқувчилар рефлексия варақасини тўлдиради: «Энг муваффақиятли қадамим», «Келгусида ўзгартирадиганим», «Бу лойиҳадан ҳаётимда нима топдим?». Синф раҳбари ўз рефлексиясини ҳам ёзади: лойиҳа жараёни давомида нимани яхши ташкил этди ва нимани яхшилаши керак. Бу амалиёт D.Schon

V. Ўзбекистон мактабларидаги имкониятлар ва тўсиқлар

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш доирасида [1] лойиҳага асосланган ўрганишни жорий этиш учун муҳим ҳуқуқий ва институционал асос яратилган. Президентнинг 2022 йилги ПФ-60-сон Фармони «мактаб директори — менежер» тамойилини белгилаган бўлса, бу тамойилни синф раҳбари даражасида «синф раҳбари — педагогик фасилитатор» сифатида ривожлантириш зарур.

Тадқиқот доирасида Тошкент шаҳри умумтаълим мактабларида ўтказилган кузатувлар (2024–2025 ўқув йили, n=12 мактаб) лойиҳа ишини жорий этишдаги учта асосий тўсиқни аниқлади: (1) синф раҳбарларининг лойиҳа менежменти кўникмаларининг пастлиги; (2) дарс жадвалининг каттиқлиги — фанлараро ҳамкорликка вақт йўқлиги; (3) баҳолаш тизимидаги анъанавий ёндашув — лойиҳа жараёни эмас, фақат якуний натижа баҳоланади.

Аммо имкониятлар ҳам мавжуд. «Рақамли Ўзбекистон-2030» концепцияси [25] мактабларни технологик воситалар билан таъминлашни кўзда тутган. Рақамли ҳамкорлик воситалари (Google Workspace for Education, Miro, Padlet) синф раҳбарларига лойиҳа жараёнини рақамли тарзда бошқариш имконини беради. FIESDU лойиҳаси [4] доирасида Финляндия-Ўзбекистон

хамкорлиги орқали ушбу тажрибаларни тизимли ўзлаштириш йўлга қўйилмоқда.

VI. Синф раҳбарлари учун амалий тавсиялар

Финляндия тажрибаси ва тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон умумтаълим мактабларидаги синф раҳбарлари учун қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1-тавсия. «Кичик лойиҳа» билан бошланг. Биринчи марта лойиҳа ишини ташкил этаётган синф раҳбарлари 2–3 ҳафталик кичик қўламдаги лойиҳадан бошлаши мақсадга мувофиқ. Масалан, «Синфимизнинг Навроз газетаси», «Маҳалламиздаги экологик муаммо» каби аниқ ва ўқувчиларга яқин мавзулар.

2-тавсия. Рубрикани ўқувчилар билан биргаликда ишланг. Баҳолаш мезонларини ўқувчиларнинг ўзлари ишлаб чиқишига эришиш уларнинг масъулиятлилики ҳиссини кучайтиради. Бу «демократик баҳолаш»

3-тавсия. Фан ўқитувчилари билан ҳафталик 20 дақиқалик мулоқот. Финляндия синф раҳбарлари тажрибасидан мослаштирилган бу одат лойиҳа жараёнини фанлараро уйғунлаштиришга ёрдам беради. Ҳар ҳафта бир фан ўқитувчиси билан суҳбатлашиш — «Ушбу ҳафта лойиҳада сиз қандай иштирок эта оласиз?» — деган оддий савол мустаҳкам ҳамкорлик учун асос яратади.

4-тавсия. «Тақдимот маросими» ўтказинг. Ота-оналарни, мактаб маъмуриятини ва маҳалла вакилларини лойиҳа якунига таклиф этинг. Ушбу маросим ўқувчиларда аудитория олдида тақдимот малакасини, масъулиятлилики ва ўз ишига ишончни шакллантиради — «реал аудитория» самараси J.Thomas

5-тавсия. Ўзингизни доимий ривожлантиринг. Синф раҳбари лойиҳа фасилитатори бўлиш учун аввало ўзи ҳам «ўрганувчи» бўлиши зарур. PLC (касбий ҳамжамият)

Хулоса

Финляндия умумтаълим мактабларида кузатилган лойиҳа ишининг асосий куч-қудрати — ўқувчиларнинг ички мотивацияси, фанлараро ҳамкорлик ва синф раҳбарининг «кўринмас дирижёр» ролидан иборат. Финляндияда синф раҳбари лойиҳани бошқармайди — у лойиҳа бошқариш

жараёнини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди. Бу фарк жуда муҳим.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида [1] лойиҳага асосланган ўрганишни жорий этиш — дарров тизимни ўзгартиришни эмас, балки синф раҳбарлик маданиятини секин-аста трансформация қилишни талаб этади. Биринчи қадам — синф раҳбарлар ўзлари «фасилитатор» тушунчасини ўзлаштириши; иккинчи қадам — кичик лойиҳалардан амалиёт бошланиши; учинчи қадам — тажриба алмашув ва PLC жамоалари шаклланиши.

FIESDU лойиҳаси доирасидаги Финляндия-Ўзбекистон ҳамкорлиги ушбу жараёни тезлаштирадиган муҳим имконият. Мазкур мақолада таклиф этилган 6 босқичли амалий модель — ҳозирок синф раҳбарлар томонидан мактаб амалиётида қўлланиши учун тайёр инструментдир.

Яқунда J.Hattie [10] нинг сўзлари билан айтадиган бўлсак: «Таълимда энг муҳим ўзгаришлар — синфхона эшиги ортида юз беради». Синф раҳбари ушбу ўзгаришнинг ҳаракатлантирувчи куч-қудрати.

Фойдаланилган адабиётлар:

Қонун ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-637-сон, 2020 йил 23 сентябрь); Президентнинг ПФ-60-сон Фармони (2022 йил 28 январь) «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

4. FIESDU (Developing a Finland-Inspired Education System in Uzbekistan) лойиҳаси расмий ҳужжатлари. — Тошкент: А. Авланий номидаги Миллий педагогик маҳорат институти, 2024–2026 йй.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 апрелдаги ПФ-97-сон Фармони «Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача рақамли ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида».

Рус тилидаги адабиётлар

6. Выготский Л.С. Педагогическая психология. — М.: Педагогика, 1991. — 480 с.

7. Килпатрик В.Х. Метод проектов. Применение целевой установки в педагогическом процессе. — Л.: Брокгауз-Ефрон, 1925. — 43 с.

Хорижий (инглиз) тилидаги адабиётлар

2. OECD. PISA 2022 Results (Volume I): The State of Learning and Equity in Education. — Paris: OECD Publishing, 2023.

3. Darling-Hammond L. et al. Powerful Learning: What We Know About Teaching for Understanding. — San Francisco: Jossey-Bass, 2008. — 256 p.
5. Dewey J. Experience and Education. — New York: Macmillan, 1938. — 91 p.
8. Krajcik J., Shin N. Project-Based Learning // R.K. Sawyer (Ed.). The Cambridge Handbook of the Learning Sciences. 2nd ed. — Cambridge: CUP, 2014. — P. 275–297.
9. Larmer J., Mergendoller J., Boss S. Setting the Standard for Project Based Learning: A Proven Approach to Rigorous Classroom Instruction. — Alexandria: ASCD, 2015. — 240 p.
10. Hattie J. Visible Learning: A Synthesis of Over 800 Meta-Analyses Relating to Achievement. — New York: Routledge, 2009. — 392 p.
11. Sahlberg P. Finnish Lessons 2.0: What Can the World Learn from Educational Change in Finland? 2nd ed. — New York: Teachers College Press, 2015. — 272 p.
12. Hautamäki J. et al. Learning to Learn at School Age. — Helsinki: Helsinki University Press, 2022. — 210 p.
13. Robinson K. Out of Our Minds: Learning to be Creative. Revised ed. — Chichester: Capstone, 2011. — 256 p.
14. Epstein J.L. School, Family, and Community Partnerships: Preparing Educators and Improving Schools. 2nd ed. — Boulder: Westview Press, 2011. — 670 p.
15. Krajcik J., Blumenfeld P. Project-Based Learning // R.K. Sawyer (Ed.). The Cambridge Handbook of the Learning Sciences. — Cambridge: CUP, 2006. — P. 317–333.
16. Thomas J.W. A Review of Research on Project-Based Learning. — San Rafael: Autodesk Foundation, 2000. — 48 p.
17. de Bono E. Six Thinking Hats. — New York: Back Bay Books, 1999. — 208 p.
18. Johnson D.W., Johnson R.T., Smith K.A. Active Learning: Cooperation in the College Classroom. 4th ed. — Edina: Interaction Book Company, 2014. — 320 p.
19. Lonka K. Phenomenal Learning from Finland. — Helsinki: Edita, 2018. — 224 p.

20. DuFour R., DuFour R., Eaker R. Revisiting Professional Learning Communities at Work. — Bloomington: Solution Tree, 2008. — 552 p.
21. Schwaber K., Sutherland J. The Scrum Guide. — Scrum.org, 2020.
22. Boss S. Bringing Innovation to School: Empowering Students to Thrive in a Changing World. — Bloomington: Solution Tree, 2012. — 216 p.
23. Andrade H.L. A Review of Rubric Use in Higher Education // Assessment and Evaluation in Higher Education. — 2010. — Vol. 35, №4. — P. 435–448.
24. Schon D.A. The Reflective Practitioner: How Professionals Think in Action. — New York: Basic Books, 1983. — 374 p.
26. Thomas J.W. Project Based Learning for the 21st Century: Skills for the Future // The Clearing House. — 2000. — Vol. 73, №3. — P. 154–155.
- Электрон манбалар**
- 9b. PBLWorks (Buck Institute for Education) расмий веб-сайти. — URL: <https://www.pblworks.org> (мурожаат санаси: 01.09.2025)
- 11b. Finnish National Core Curriculum for Basic Education 2016. — Helsinki: Finnish National Agency for Education, 2016. — URL: <https://www.oph.fi>
- 14b. Joyce Epstein's Model of Parental Involvement. — Baltimore: Johns Hopkins University. — URL: <https://nnps.jhucsos.com>
- 20b. AllThingsPLC — Professional Learning Communities ресурслари. — URL: <https://www.allthingsplc.info>

**Research Science and
Innovation House**

